

Муҳиддин НУМАНЖАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти

АБУ МАНСУР МОТУРИЙДИЙНИНГ “ТАЪВИЛОТ АҲЛИ-С-СУННА” АСАРИДА МЎЪТАЗИЛА ФИРҚАСИГА БЕРИЛГАН РАДДИЯЛАР

Ислом оламида бошланган фирқаланиш ҳаракатлари вақт ўтиши билан кучая борди. Исломни асл ҳолатда сақлаб қолиш учун жон куйдирган аҳли сунна уламолари ўз даврларида мавжуд адашган оқим ва фирқаларга қарши аёвсиз ғоявий кураш олиб бордилар. Имом Мотуридий илмий меросининг асосий қисмини ана шу илмий-ғоявий кураш ташкил қилади, деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Кўп ихтилофларга сабаб бўлган мавзулар эса қуйидагилар эди:

- Иймон шартлари масаласи яъни, амалларни иймон шартига киритиш ёки киритмаслик борасидаги баҳслар;
- Куфр ва ширк мавзуси;
- Аллоҳнинг исм ва сифатлари азалий (қадим) ёки ходис (яратилган)лиги масаласи;
- Инсоннинг иродаси (хоҳиши) ва тақдир мавзуси;
- Гуноҳи кабира қилган мусулмоннинг охирадаги аҳволи масаласи;
- Қуръон махлуқ ёки махлуқ эмаслиги масаласи ва бошқалар.

Тарихдан яхши маълумки, имом Мотуридий яшаган даврда бутун Ислом дунёсида мўътазилийлик йўналишининг таъсири катта бўлган. Ҳатто улар бир муддат баъзи халифаларнинг қувватлаши туфайли ҳукмрон мавқеъга ҳам эришдилар.

Шу даврда бу йўналишнинг илмий-мафкуравий асослари пухта ишлаб чиқилди. Мўътазилийлик ғояларига асосланган асарлар ва тафсирилар кўпайди. Бу воқеаларнинг ҳалокатли оқибатларини чуқур англаган бир қатор аҳли сунна уламолари қаторида имом Мотуридий ҳам бу йўналишга қарши жиддий кураш олиб борган. Шу боис “Таъвилот аҳл ас-сунна”да ҳам энг кўп тилга олинган (тўрт юз етмиш бир ўринда) ва илмий баҳсларга сабаб бўлган йўналиш мўътазилийлик ҳисобланади.

Масалан, қасос ҳақидаги ҳукмий оят бўлмиш “Бақара” сураси 178-оятининг:

فَمَنْ عَفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ.....

“...Кимки биродари томонидан авф этилса (хун олишга рози бўлинса)...”¹

ушбу қисми тафсирида Мотуридий айтади: “Бу ўринда иймон гуноҳи кабира сабабли кетмаслигига далил бор. Чунки, Аллоҳ таоло қотилни “биродар” деб атади. Бу насабдаги эмас, диндаги биродарликдир... Бу оят мўъ-

¹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 28.

тазилийларнинг: “Гуноҳи кабира иймондан чиқаради”, – деган сўзларига раддиядир”².

Аллома ўз даврида мавжуд бўлган Ислом таълимоти ва ақидасига доир ихтилофли масалалардан қуйидагиларга кўпроқ тўхталиб ўтган:

Шафоат масаласи:

«...مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ...»

“...(Қиёмат куни) Унинг ҳузурида ким ҳам (гуноҳкорларни) Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди?!”³ (Бақара: 255)

Имом Мотуридий ушбу оят шарҳида: “Шафоат ҳақида ихтилоф қилдилар. Бу борада мўътазилийлар⁴ бу оятга қарши чиқиб, шундай дедилар: “Шафоат фақат эгаларига, яъни яхши амал қилувчиларгадир. Хусусан, гуноҳи йўқ кишиларга ёки гуноҳ қилиб, кейин тавба қилган кишиларгадир”. Улар ўзларининг бу гапларига “Ғофир” сураси: “**Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришта) лар (Яккаю ягона) Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтурлар ва Унга иймон келтирурлар ҳамда иймон келтирган кишиларни мағфират этишини сўрарлар: “Парвардигоро, Ўзинг раҳмат ва илм жиҳатдан барча нарсани эгаллагандирсан. Бас, тавба қилган ва йўлингга эргашган кишиларни мағфират эт ва уларни дўзах азобидан сакла!”** – оятини далил сифатида келтиришади. Биз эса: Шафоат гуноҳкор кишиларга ҳам бўлади, чунки, кимнинг гуноҳи бўлмаса, у шафоатга муҳтож бўлмайди. Гуноҳкорлар тавба қилаётган ҳолларида ҳам гуноҳлари бўлади. Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечирилади. Шу сабаб, истиғфор гуноҳкор ки-

шилар учун бўлади ва улар шафоатга кўпроқ муҳтож бўладилар, деймиз”, – деб айтади⁵.

Демак, бу ўринда Имом Мотуридий шафоатнинг гуноҳкор мўъминларга ҳам бўлишига доир ақидани қувватлайди ва бу борадаги суннийлик йўналиши қарашининг тўғрилигини далиллар асосида исботлайди.

Охират неъматлари ва азобида доир масалалар:

«...أَعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ...»

“...кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланинг!”⁶ (Бақара: 24)

Имом Мотуридий ушбу оят шарҳида шундай дейди: “Бу оят дўзахнинг кофирлардан бошқага тайёрлаб қўйилмаганига далолат қилади. Ушбу оят мўътазилийларнинг қарашларига раддия бўлади. Чунки, улар “гуноҳи кабира қилган киши жаҳаннамда абадий қолади”, – дейдилар, лекин бу билан уларни куфрга ҳам нисбат бермайдилар. Шунинг учун улар дўзах кофирлардан ташқари гуноҳи кабира қилганларга ҳам ҳозирлаб қўйилган дейишади.

Яхши ва ёмон амалларнинг Аллоҳ томонидан яратилиши масаласи:

«اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا يُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أَوْلِيَاؤُهُمُ الطَّاغُوتُ يُخْرِجُوهُمْ مِّنَ النُّورِ إِلَى الظُّلُمَاتِ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ»

“Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматдан нур сари чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлар (бутлар) дир. Уларни (кофирларни) нурдан зулмат сари чиқарадилар. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда мангу қолувчилардир”⁷ (Бақара: 257).

Муфасссир айтади: “Бу оятда мўътазилийларга раддия бор. Улар: “Мўмин кишига

² Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Аҳмад Ванли ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дар ал-мийзон, 2005. – Ж. 1. – Б. 328.

³ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 42.

⁴ Илк ақидавий йўналишларидан бири мўътазила (арабча – ажралиб чиққанлар, узоклашганлар) оқимидир. Бу оқим VII-IX асрда Бағдод ва Дамашк халифалигининг диний-сиёсий ҳаётига сезиларли таъсир ўтказган. Ушбу оқимнинг шаклланишида Ҳасан Басрий (642-728)нинг илмий даврасини жиддий баҳс туфайли тарқатган шогирдлари Восил ибн Ато (ваф. 748) ва Амр ибн Убайд (ваф. 761)лар асосий рол ўйнаганлар.

⁵ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида. – Байрут: Муассасат ар-рисола ан-наширун, 2004. – Ж. 2. – Б. 236.

⁶ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 4.

⁷ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 43.

берилган барча нарсалар, хусусан, куфрдан кутқариб иймонга киритиш ва шунга ўхша- шини кофирга ҳам бериши Аллоҳнинг зим- масидадир, чунки адолат юзасидан уларнинг ҳаммаларини бир хилда зулматдан чиқариши керак. Уларнинг дилларини ислоҳ қилиш ҳам Аллоҳнинг зиммасида. Аллоҳ мўминнинг ҳам кофирнинг ҳам Валийси ҳисобланади. Шун- дай экан, У кофирни ҳам зулматдан чиқариши керак”, дейишади. Агар улар: “Аллоҳ куфрни тоғутга боғлагани ҳолда сизлар уни Аллоҳга боғлаяпсизларми?”, – деб айтсалар, уларга: “Бу очиқ ёлғон, чунки биз куфрни Аллоҳга боғламаймиз. Биз: “Аллоҳ кофирга куфр қили- шлик феълини, мўминга эса нур, яъни яхши- лик қилишлик феълини яратди”, – деймиз”⁸.

«وَكَايْنِ مِنْ دَابَّةٍ لَا تَحْمِلُ رِزْقَهَا اللَّهُ يَرْزُقُهَا وَإِيَّاكُمْ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ»

“Ўз ризқини кўтара (топа) олмайдиган қанчалаб жонзотлар бор. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам (ўз ҳазинасидан турли йўллар билан) ризқ берур. У Эшитувчи ва Билувчи- дир”⁹ (Анкабут: 60).

Мўътазила вакиллари бу оят борасида шундай дейдилар: “Аллоҳ таоло хоҳлаган ки- шисининг ризқини кенг қилиб қўйишга қо- дир эмас”. Чунки, улар: “Инсонларнинг касб қилишлари сабабларида Аллоҳнинг амали йўқ”, – дейдилар. Улар: Аллоҳ фақат, ўсимлик- ларнинг ердан униб чиқиши каби нарсаларда уларнинг аслини яратган”, – дейишади.

Аслида, ҳақиқат улар тасаввур қилган- ларидек эмас. Ризқнинг кам ёки кенг бўлиши уларнинг фикрларига зиддир”¹⁰.

Имом Мотуридий бу масалада суннийлик йўналиши ақидасига кўра, Аллоҳ таоло ҳар қандай кишига, у иймон аҳли ёки бошқа дин вакили бўладими, кенг ризқ ва мол-мулк бери-

ши мумкинлигини айтади. Ва далил сифатида “Анкабут” сурасининг 62 оятини келтиради:

اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ

Аллоҳ бандаларидан ўзи хоҳлаган киши- ларнинг ризқини кенг қилур ва (ўзи хоҳла- ган кишиларнинг ризқини) танг қилур.

Тавба ва унинг қабули масаласи:

«وَاللَّهُ يُرِيدُ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْكُمْ وَيُرِيدُ الَّذِينَ الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الشَّهَوَاتِ أَنْ تَمِيلُوا مَيْلًا عَظِيمًا»

“Аллоҳ тавбаларингизни қабул этишни хоҳлайди, шахвоний ҳиссиётга тобе бўлганлар эса, (тўғри йўлдан) ўта оғиб кетишларингизни хоҳлайдилар”¹¹ (Нисо: 27).

“Таъвилот аҳл ас-сунна”да бу оят таф- сирида шундай дейилади: “Ушбу оят мўъта- зилийларга раддиядир. Чунки, улар: “Аллоҳ таоло тавба қилмайдиган кишининг тавба қи- лишини хоҳлаган”, – дейишади.

Бизнинг наздимизда бўлса, Аллоҳ Ўзининг азалий илмида сизларнинг тавба қилишингиз- ни хоҳлайди. Улар шу сабаб тавба қиладилар, ёки бу оят Аллоҳ кечиришини хоҳлаган бирор қавм ҳақида бўлиб, шу билан улар тавба қи- ладилар”¹².

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келти- рилган масалалар имом Мотуридий даври- да тарқалган асосий нотўғри эътиқод ва қа- рашлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги зоҳиран унча эътиборга арзимас бир тушунча сифати- да кўринсада, уларнинг ортида ётган бузғунчи ғоялар бутун Ислому оламидаги мусулмонлар эътиқодларини издан чиқариши мумкин бўл- ган.

Шу боисдан Абу Мансур Мотуридий масалага жиддий эътибор қаратиб, ҳар бир оқимнинг ҳар бир нотўғри эътиқодига жиддий қараб, уларга тизимли ва ҳар томонлама асос- ли раддиялар берган.

⁸ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида. – Байрут: Муассасат ар-рисола ан-наширун, 2004. – Ж. 1. – Б. 218.

⁹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тош- кент ислом университети, 2018. – Б. 403.

¹⁰ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Маждий Басал- лум таҳрири остида. – Байрут: Дарул-кутубил илмия, 2005. – Ж. 8. – Б. 241.

¹¹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тош- кент ислом университети, 2018. – Б. 83.

¹² Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида. – Байрут: Муассасат ар-рисола ан-наширун, 2004. – Ж. 1. – Б. 404.